

7-10-2019

THE PEDAGOGICAL IMPORTANCE OF DEVELOPING ECO-CULTURE FOR STUDENTS.

Gulbaxor Azamovna Ismoilova
Teacher of Kokand State Pedagogical Institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Ismoilova, Gulbaxor Azamovna (2019) "THE PEDAGOGICAL IMPORTANCE OF DEVELOPING ECO-CULTURE FOR STUDENTS.," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 3 , Article 71. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss3/71>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

THE PEDAGOGICAL IMPORTANCE OF DEVELOPING ECO-CULTURE FOR STUDENTS.

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ТАЛАБАЛАРДА ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК ЗАРУРИЯТ.

Исмоилова Гулбахор Аъзамовна
Қўқон давлат педагогика институти
ўқитувчи

Аннотация: Мақолада гуманитар фанлар тизимида ёшларда экологик маданиятни шакллантириш, экология ва табиатни муҳофаза қилиш масалаларининг акс этиши, унинг тарихий ривожланиш жараёнлари ҳамда келажак истиқболлари ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: Экологик муаммолар, Шарқ мутафаккирларининг экологик қарашлари, уларни таълим-тарбия жараёнига тадбиқ этиш, экологик маданият.

РАЗВИТИЕ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ У СТУДЕНТОВ КАК ОБЩЕСТВЕННО - ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ НЕОБХОДИМОСТЬ

Исмоилова Гулбахор Азамовна
Преподаватель Кокандского педагогического института

Аннотация: Статья посвящена перспективам процесса исторического развития и отражения проблем экологии, охраны окружающей среды в систему гуманитарных наук и формирование экологической культуры у молодёжи.

Ключевые слова: экологические проблемы, экологические мировоззрения мыслителей Востока, внедрения их в образовательно-воспитательный процесс, экологическая культура.

THE PEDAGOGICAL IMPORTANCE OF DEVELOPING ECO-CULTURE FOR STUDENTS.

Teacher of Kokand State Pedagogical Institute:
Ismoilova Gulbaxor Azamovna.

Abstract: In this article, about the situation of forming ecological culture and problems was analyzed among youth and its historical process was described.

Key words: Ecological problems, ecological culture, the ecological thoughts of east thinkers, introduce them to the process of education.

Ўзбекистоннинг келажакдаги равнақи бугунги ёш авлоднинг тўлақонли тарбиясига кўп жиҳатдан боғлиқ. Ҳар бир фан ўқитувчиси ўз шогирдларининг комил инсон бўлиб етишиши учун қайғуриши, уни эътиқодли ва маърифатли қилиб тарбиялаши лозим. Таълим мазмунининг йил сайин ўзгариб, такомиллашиб бориши таълим тизимида фаолият олиб бораётган ўқитувчилар олдида янги талаблар қўймоқда. Ана шу талабларга аҳамият қаратган ҳолда ҳар бир фан ўқитувчиси таълим жараёнида ўқувчиларда экологик маданиятни шакллантириши

зарур. Зеро Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 50-моддасида “Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар”[1] – деб таъкидланган. Конституциямизда белгиланган ушбу бурчни бажариш учун эса ҳар бир Ўзбекистон фуқароси экологик маданиятга эга бўлиши зарур.

Жаҳонда атроф-муҳит билан боғлиқ муаммолар ҳозирги кунда ўз ечимини кутаётган долзарб, глобал масалалардан биридир. Инсоният яралибдики, табиат маҳсули сифатида у билан уйғун тарзда яшаб келмоқда. Республикамизда атроф-муҳитга ижобий муносабатларни ривожлантириш, тартибга солиш юзасидан қатор илмий-амалий ишлар олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда ёшларда экологик маданиятни шакллантириш долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Дунё миқёсида экологик муаммолар кўпайган сари, улар ҳақида мулоҳаза юритиш, тадқиқотлар олиб бориш янада жадаллашмоқда. Аммо бу қарашлар, тадқиқот натижалари ёшларнинг экологик маданиятини шакллантиришга етарли даражада таъсир кўрсата олмаётгани ачинарли ҳол, албатта. Президентимиз айтганидек: “Энг муҳим масалалардан бири – аҳолининг экологик маданиятини ошириш ҳақида жиддий бош қотиришимиз зарур. Албатта, бундай муаммоларни фақат маъмурий йўл билан ҳал этиб бўлмайди, бунга ёш авлод қалбида она-табиатга меҳр-муҳаббат, дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш орқали эришиш мумкин”[2]. Мазкур муаммони ҳал этиш йўлларида бири таълим жараёнида Шарқ мутафаккирлари илмий меросидан кенг фойдаланишдир. Ўзбек халқи қадимдан экологик маданият меросига эга. Экологик тарбия ва унга оид фикрлар оилада ҳадислар, ҳикматли сўзлар асосида бериб борилган. Табиат ходисаларининг такомиллашиб, тадрижий ривожланиб боришидаги тушунча ва таълимотлар, инсоннинг табиат билан боғлиқлиги тўғрисидаги маълумотлар илк маротаба “Авесто”да ҳамда Шарқ Ренессанси даврида ижод этган алломаларимизнинг, жумладан, Муҳаммад Мусо ал Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино асарларида ўз ифодасини топган. Қолаверса, Амир Темур, Алишер Навоий сингари буюк давлат арбоблари ҳам ўз навбатида ободончилик, суғориш, боғ-роғлар барпо этиш ишларини ҳар доим қўлаб-қувватлаганлар. Табиатга бўлган эҳтиром ва унинг сирларини англаб етишга интилиш буюк аждодларимизнинг бебаҳо илмий дурдоналарида намоён бўлиб, жаҳон илмига беқиёс ҳисса бўлиб қўшилгани биз учун фахридир.

Албатта, миллий маънавиятимиз илдизига чуқур сингиб кетган ва асрлар оша унинг такомил босқичларида чуқурлашиб, теранлашиб борган халқимиз қадриятида табиатга бўлган эҳтиром беқиёсдир, юртимизда уни эъзозлаш анъанаси эса инсоният тарихи қадар қадимийдир. Умуман айтганда, атроф-муҳитга муносабат, уни англаб етишга бўлган интилиш Шарқ, айниқса, Марказий Осиё халқлари тарихида ўзгача хусусиятга эга. Чунончи, ислом динининг муқаддас манбаларидан ҳадиси шарифларда табиатни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш фикрлари ифодаланган.

1. Кимки ташландиқ ерни обод қилса, бу ер ўшаники бўлади. Бу ерда золим кишининг (ҳатто) тер тўкишга ҳам ҳаққи йўқ.

2. Мўмин бандалардан кимки кўчат ўтқазса ёки зироат экса, ундан инсон ёки қуш ёки ҳайвонлар баҳраманд бўлиб, у банда учун бир садақа ҳамдир.

3. Сув – оби ҳаёт, уни исроф қилманглар.

4. Кишиларга соя берувчи дарахтни кесган киши боши билан дўзахга ташланади [3].

Мазкур ғоялар асосида ёшларда табиат бойликларини тежаб ишлатиш, исроф қилмаслик уқтирилган.

Ўрта асрларда Ўрта Осиёда яшаб ижод этган мутафаккирлардан Хожа Али Рометоний, Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино ва бошқалар инсон экологияси ривожига катта ҳисса қўшганлар. Улар ҳали экология фани дунёга келмаган даврда табиат ва ундаги мувозанат, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиатни эъзозлаш ҳақида қимматли фикрлар айтганлар. Хожа Али Рометоний муридларни қай услубда тарбия этиш йўлини кўрсатиб қуйидаги фикрларни билдирган: “Кимки хонақоҳда туриб халқни Ҳаққа даъват этгай, ул киши қушчи (яъни парранда боқар)дай бўлсин. Қушчи ҳар бир парранданинг емиши, одатини билиб муомала этгай. Муршид(пир) ҳам ҳар бир муриднинг қобилияти ва истеъдодига қараб иш тутсин. Шундан кейин унинг меҳнати ўз самарасини беради.

Аллоҳ таоло беҳисоб паррандаларни яратгандир. Уларнинг яшаш тарзи, емиши, парвози, овози ҳар хил. Агар кабутарга қилинган муомала булбулга этилса, булбул бешак ҳалок бўлади. Чумчуқдан бургут парвозини талаб қилиб бўлмас. Одамзот ҳам ҳар хил. Муршид шуларни инобатга олиши шарт”[4].

Буюк аллома Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий рисолаларидан бирида бундай деб ёзади: «Билингки, дарёнинг қўзлари ёшланса, унинг бошига ғам, кулфат тушган бўлади. Одамлар, дарёдан меҳрингизни дариг тутманглар!» Мутафаккир ушбу фикрлари билан дарё сувини ортиқча исроф қилмасликка, дарё билан одамларнинг «бир-бирларини тушунишлари», ўзаро меҳр-муҳаббат қўйишларини назарда тутган. Буюк юртдошимиз ўзининг илмий-назарий тадқиқотлари, тажрибаларида табиатдаги барча ҳодисалар муайян табиий қонуният асосида юз беради, ташқи кучнинг таъсири уни издан чиқариши мумкин, деган хулосага келади. Бу бугун ўз исботини топган ҳақиқатдир. Инсоният табиатдан фойдаланишда табиат қонунларига эмас, аксинча, шахсий манфаатларига асосланиб фаолият кўрсатиши оқибатида табиатдаги мувозанатнинг сезиларли даражада бузилгани яъни, дунёнинг турли бурчакларида табиий офатлар: сув тошқинлари, зилзилалар, ўрмон ёнғинлари ва бошқа шу каби талофатларнинг рўй бераётгани ҳеч кимга сир эмас. Инсон табиий муҳитга таъсир этар экан, унинг ўзи ҳам “акс таъсир”га дуч келмоқда. Абу Райҳон Берунийнинг “Агар инсонлар табиатга нисбатан зўровонлик қилиб, унинг қонунларини қўполлик билан бузсалар бир кун келиб табиат уларнинг

бошига шундай кулфатларни солиши мумкинки, буни ҳеч қандай куч қайтара олмас”[5] - деган сўзи бугунги глобал экологик муаммоларнинг бундан 1000 йил олдин башоратидан дарак беради.

Абу Наср Форобий илмий-фалсафий мероси ниҳоятда бой. Форобий табиатшуносликнинг турли тармоқлари билан шуғулланган бўлиб, унинг «Китоб ал-ҳажм ва ал-миқдор», «Китоб ал-мабоди ал-инсония» («Инсониятнинг бошланиши ҳақида китоб»), «Китоб ал-аъзо ал-ҳайвон» («Ҳайвон аъзолари тўғрисида китоб») номли асарлари бунга далил бўла олади. Ўша вақтларда илм-фан соҳасида эришилган ютуқлар мажмуаси ҳисобланган “Ҳиндистон дорилари ва доривор ўсимликлари” табиат оламига алоқадор китоблар Форобийнинг етук олим эканидан далолат беради. Форобий Европа олимларидан 1000 йил аввал физиология фанига илмий асос солганлигининг ўзи ҳам жаҳон илм-фани тараққиёти бешигини кимлар тебратганини исботлаб турибди.

Буюк мутафаккирларимиздан яна бири - Ибн Сино жиддий экологик муаммолар бўлмаган вақтлардаёқ, экология масалаларига тўхталиб, инсон саломатлигини сақлаш борасида атроф-муҳит аҳамиятига катта эътибор берди. У турли юқумли касалликларнинг келиб чиқишида атроф-муҳит омиллари сабаб бўлишини, ҳаво, сув, овқатнинг ўрнини эътироф этади. Ўша замонда микроскоп йўқ бўлишига қарамай, юқумли касалликларни кўзга кўринмайдиган майда, жонли зарралар келтириб чиқаришини, яъни макруҳлар-микроорганизмлар сабабчи экани тўғрисидаги фикрни айтади. Ибн Сино ўз асарларида экология ва гигиенага бағишланган кўп масалалар ечимини ёзиб қолдирган.

Шу ўринда Соҳибқирон Амир Темурнинг табиатга муносабати ҳақида сўз юритар эканмиз, айтиш жоизки, буюк давлат арбоби биринчи галда ободончилик ишларига алоҳида эътибор қаратган. “Темур тузуклари”да айтилишича, Соҳибқирон қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштирганларни рағбатлантирган. Ушбу тузукларда яна қаровсиз ерларни обод қилиш, уларни ҳосилдор ерларга айлантириш ҳақидаги кўрсатмалар ҳам диққатга сазовордир. Уларда айтилишича, “Хароб бўлиб ётган ерлар эгасиз бўлса, холиса (яъни давлат ерларини бошқарувчи маҳкама) тарафидан обод қилинсин. Агар эгаси бўлса-ю, обод қилишга қурби етмаса, унга турли асбоблар ва керакли нарсалар берсинлар, токи ўз ерини обод қилиб олсин. Яна амр қилдимки, хароб бўлиб ётган ерларда коризлар курсинлар, бузилган кўприкларни тузатсинлар, ариқлар ва дарёлар устига кўприклар солсинлар, йўл устида, ҳар бир манзилгоҳга работлар курсинлар”[6].

Мухтасар айтганда, гуманитар фанларни ўқитишда мутафаккирларимизнинг табиат ва жамият ҳақидаги маънавий меросини ўрганиш орқали ёш авлод онгида экологик маданиятни шакллантириш муҳим педагогик муаммо. Шу сабабдан Шарқ мутафаккирлари илмий меросининг серқирра ва теран илдизларига таянган ҳолда ёшларда экологик маданиятни таълим ва тарбия жараёнига кенг тадбиқ этишимиз зарур. Ўзбекистоннинг келажақдаги равнақи бугунги ёш авлодни тўлақонли тарбиясига кўп жиҳатдан боғлиқ. Ҳар бир фан ўқитувчиси ўз шогирдларининг

комил инсон бўлиб етишиши учун қайғуриши, уни эътиқодли ва маърифатли қилиб тарбиялаши лозим. Таълим мазмунининг йил сайин ўзгариб, такомиллашиб бориши таълим тизимида фаолият олиб бораётган гуманитар фанлардан дарс бераётган ўқитувчилар олдида ҳам янги талаблар қўймоқда. Ана шу талабларга аҳамият қаратган ҳолда ҳар бир ўқитувчи таълим жараёнида ўқувчиларда экологик маданиятни шакллантириши керак. Ўқувчиларда экологик маданиятни шакллантиришда қуйидагиларга аҳамият қаратиш зарур:

- дарсинг экологик илмий-назарий даражасини ошириш;
- дарсни мулоқот шаклида ташкил этиб, ўқувчиларнинг мустақил экологик тафаккурини, эркин фикрлашини ривожлантириш;
- давра суҳбатлари, илмий-амалий анжуманлар, учрашувлар ўтказиш;
- ҳаётни англашга қизиқиш хиссини ўстириш, атроф-муҳит ва инсон ўртасидаги муносабатни тўғри йўлга қўйиш;
- Ватанга, уни асрашга, халқига садоқатли бўлиш туйғусини шакллантириш;
- Шарқ мутафаккирларининг асарларини таҳлил қилиш, асарлардаги экологияга оид масалаларни аниқлаш;
- Мутафаккирларимиз ижоди ёрдамида ўқувчиларда яхши фазилатларни шакллантиришнинг мақсад ва вазифалари, мазмун, шакл ва методлар бирлигини таъминлаш ҳамда ўқувчи шахсини камол топтириш.

References:

1. O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. – Toshkent: O'zbekiston, 2018. – 18 bet.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti SHavkat Mirziyoevning Oliy Majlis palatalari, siyosiy partiyalar hamda O'zbekiston ekologik harakati vakillari bilan videoselektor yig'ilishidagi ma'ruzasi. – Xalq so'zi, 2017 yil 13 iyul.
3. Imom al-Buxoriy. Hadislar to'plami. 1-4-jildlar, T., 1990-1995.
4. Turdiqulov E.O. Ijtimoiy ekologik g'oyalardan ta'lim jarayonida foydalanish. T., 2014, 39 bet
5. Abu Rayhon Beruniy. Javohirot. T., Meros, 1991 26-bet
6. Temur tuzuklari. T.,G'afur G'ulom, 1991, 99-bet